

## Музейлар - тарих қўзгуси

■ Музейлар - тарихнинг сирли хилқатларини ўзида мужассам этган ҳолда халқлар маданиятини, қадриятларини тарапнум этувчи маскан ва давлатларни бир-бирларига яқинлаштирувчи кўприк ҳисобланади. Шу билан бирга халқнинг маънавий дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам музейларнинг ўрни бекиёс. Шу сабабли ЮНЕСКО томонидан 1977 йилда 18 май - Халқаро музейлар куни сифатида эълон қилинган.

Ушбу кун муносабати билан “Гидромелиорация” факультети СХМ таълим йўналиши 104-гурух талабалари гуруҳ мураббийи, доцент С.Буриев бошчилигига ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюришди. Талабалар ташриф давомида Амир Темур ва темурийлар даврига оид кўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан олиб борилган ёзишмалар, тангалар, сопол ва мис буюмлар, меъморий безак қопламалари, китоблар, этнографик буюмлар, юртимиз рассомлари асарлари каби нодир экспонатлар билан танишдилар.



104-гуруҳ мураббийи, доцент Салимжон Буриев ахбороти